

---

## Қорашоҳ маҳалласида туман прокурорининг фуқаролар билан сайёр қабули ва ёшлар учрашуви ташкилланди

Бугун “Қорашоҳ” маҳалла фуқаролар йиғинида Қува тумани Прокурори, 2-сектор раҳбари Отабек Тошматов ва мутасадди раҳбарлар иштирокида аҳоли муурожаатларини ўрганиш бўйича сайёр қабул бўлиб ўтди.

Қабул давомида фуқаролар томонидан бандликни таъминлаш, коммунал ва ижтимоий соҳалар, тадбиркорликни ривожлантириш, банк кредити, саломатликни тиклаш, моддий ёрдам ва кадастр каби масалаларга оид ўттизга яқин муурожаатлар қабул қилинди.

Ҳар бир муурожаатга тегишлича ечимлар белгиланиб, муддат талаб этадиганлари масъулларга бириктирилди ва ижроси назоратга олинди.

Шу куни ҳудуд ёшлари билан ҳам учрашув ташкилланди.

Ёшлар томонидан билдирилган таклиф, ташаббус ва муурожаатлар қўллаб-қувватланиб, белгиланган тартибларда ижрога қаратилди.

2022-09-14 19:21:40